



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 14 март, № 50 (7008)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг
таклифига биноан 2018 йил 15 март куни амалий таширф билан
Остона шахрига боради.

Таширф доирасида Ўзбекистон делегацияси Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг кенг кўламли кун тартибига эга биринчи маслаҳат учрашувида иштирок этади. Ушбу учрашувни ўтказиш таклифи Президент Шавкат Мирзиёев томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 2017 йил сентябрь ойида ўтган 72-сессиясида илгари сурилган ҳамда Самарқанд шаҳрида бўлган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажақ, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференцияда яхлит дастур даражасигача ривожлантирилган эди.

Ўзбекистоннинг ушбу ташаббуси минтақанинг барча мамлакатлари томонидан қўллаб-қувватланди. Қозоғистон олий даражадаги биринчи учрашуви Остонада ўтказишни тақлиф этди.

Давлатимиз раҳбари шу куни Қозоғистонда Ўзбекистон йилининг расмий очилиш маросимида иштирок этади.

Шунингдек, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев билан учрашуви ҳам режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати.

Ўзбекистон ва Қозоғистон:

КУЧ — БИРДАМЛИКДА

Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ҳамда изчил тараққиётни таъминлаш борасида Ўзбекистон ва Қозоғистон зиммасида алоҳида масъулият ётади. Ҳар икки давлат салмоқли иқтисодий ҳамда инсоний салоҳиятга эга, уларни умумий тарих, жуғрофий, маданий, диний ва лисоний илдишлар ҳамда 2200 километрдан зиёд чегара бир-бирига боғлаб туради.

ТАШРИФ ОЛДИДАН

Минтақа тақдирида муҳим ўрин тутишини теран англаган Ўзбекистон ва Қозоғистон ўз мустақиллигининг биринчи кунларидан бошлаб кўпгина йўналишларда яқин ўзаро мувофиқликни амалга ошириб келмоқда. Турли даражалардаги мунтазам учрашувлар ҳамда самарали мулоқот муҳим масалаларга биргалликда ечим топиш имконини бермоқда. Сунгги икки йил Ўзбекистон ва Қозоғистон давлат раҳбарлари алоқаларининг фаоллашгани нукта назаридан илгари кузатилмаган, алоҳида давр бўлди: бу вақт оралиғида Ўзбекис-

тон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев олти бора ташрифини амалга оширдилар. Давлат раҳбарлари халқаро ҳамда минтақавий ташкилотларнинг анжуманлари доирасида ҳам учрашдилар. Бундан ташқари, турли воқеалар муносабати билан телефон орқали мулоқотлар ва муносабатнома алмасувлари бўлди.

2017 йилнинг мартада имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида стратегик шериклики янада чуқурлаштириш ва аҳил

кўшничиликни мустаҳкамлаш тўғрисида Қўшма декларация истиқболдаги ҳамкорлиқнинг устувор йўналишларини белгилаб бергани ҳолда, ўзаро алоқаларнинг шартномавий-ҳуқуқий заминини сезиларли даражада мустаҳкамлади. Турли мазмунга эга бўлган бундай ҳужжатларнинг сони 212 тани ташкил қилади.

Ўтган йили Президент Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учрашувларини мунтазам ўтказиш ташаббусини кўтариб чиққан эди. Бу ғоя минтақа мамлакатларида яқдрилиқ билан қўллаб-қувватланди, Қозоғистон эса биринчи саммитни Остонада ташкил этишни тақлиф қилди. Бу Марказий Осиёда бир-бирини ўзаро тўғри тушунишни мустаҳкамлаш масалаларида нуктаи назарлар муштараклигининг тасдиғи бўлди.

(Давоми 2-бетда).



Саид Аҳмад Бухорий:

Ўзбекистон Президентининг ташаббуслари бутун ислом оламида қувонч, ғурур-ифтихор уйғотди

Мамлакатимизга Хиндистоннинг Деҳли шахри жоме масжиди бош имоми, Хиндистондаги нақшбандия тариқати етакчиси Саид Аҳмад Бухорий бошчилигидаги делегация таширф бурюди.

МАЪНАВИЯТ

Меҳмонлар юртимизда ислом дини ривожини йўлга қўйиш билан танишиш, табарруқ қадамжоларини зйбат этиш, қадимий обидлар, тарихий ёдгорликларни кўздан кечиришни мақсад қилганлар.

Делегация аъзолари дастлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университетида бўлиб, бу ерда ўқитувчи ва талабалар учун яратилган шароитлар билан танишди.

Мамлакатимизда инсон манфаатлари ҳамда эркинликларини таъминлашга, миллий ва диний қадриятларни янада ўқсатиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, йўлга қўйилган диний таълим тизими замонавий талабларга жавоб беради. Тошкент ислом университетида юксак маънавият, мустақил фикрловчи, диний бағрикенглик тамойиллари асосида тарбияланган мутахассислар етишиб чиқмоқда.

Айни пайтда мазкур ўқув

даргоҳида диний ҳамда дунёвий фанлар ўзаро уйғунликда ўрганилиб, илмий тадқиқотлар олиб борилаётди. Жумладан, университет қошида таъсис этилган Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази Қуръони карим ва ҳадисларнинг диний ақида-парастлик ҳамда мутаассибликка қарши курашдаги ўрнини очиб бериш, ислом маданиятининг умуминсоний маданият ривожига қўшган ҳиссасини тизимли ўрганиш ва бошқа йўналишларда самарали фаолият юритмоқда.

— Қутлуғ заминингизга қадам қўйишимиз билан қалбимизни чексиз қувонч, сурур эгаллаб олди, — дейди Саид Аҳмад Бухорий жаноблари. — Зеро, бу тупроқ не-не муборак зотларни камолга етказган. Уларнинг қилган ишлари, илму амалидан таралган ёғду бутун ҳам инсонлар қалбини ёритиб, юртингизда эзгулик соғиниб яшаш, меҳр-оқибат, бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаб турибди.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

БУЮК ҚОЗОҚ ШОИРИ ВА МУТАФАККИРИ АБАЙ ҚҮНОНБОВ ИЖОДИЙ МЕРОСИНИ КЕНГ ЎРГАНИШ ВА ТАРҒИБ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Буюк маърифатпарвар шоир ва мутафаккир, эзгулик ва дўстлик қўйиши Абай Қўнонбоевнинг шарафли номи ва бой ижодий мероси нафақат қозоқ халқи, айни пайтда бутун туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқининг ҳам қалбига безавол яшаб келмоқда.

Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатлари ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари янги босқичга кўтарилаётган бугунги кунда Абай Қўнонбоев сингари улғу алломаларнинг ўлмас мероси халқларимиз учун янада муҳим маъно ва аҳамият касб этади.

Абай Қўнонбоевнинг умуминсоний қадриятлар ва меҳр-оқибат туйғулари юксак пардаларда тарангун этилган етук бадиий асарлари, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолияти билан халқларимиз маданияти ривожига қўшган улкан ҳиссасини инобатга олиб ҳамда ўзаро маданий-гуманитар алоқаларни янада ривожлантириш, эл-юртимизни қозоқ адабиётининг улғу намояндалари ижоди билан кенг таништириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Фанлар академияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ва

жамоатчилик вакиллари-нинг халқимизнинг қардош Қозоғистон халқига, унинг бетақрор адабиёти ва маданиятига, ёруғ келажагига бўлган ҳурмати ва ишончининг ёрқин ифодаси сифатида юртимизда буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

2. Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилишни ташкил қилиш бўйича ташкилий қўмита (кейинги ўринларда Ташкилий қўмита деб аталади) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмита бир ой муддатда Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича тегишли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин.

Ушбу чора-тадбирлар режасида:

Абай Қўнонбоевнинг “Сайланма” асарини ҳамда “Ўзбек ва қозоқ адабий алоқалари” номли адабий-таҳлилий мақолалар тўпламини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш;

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида “Абай ва ўзбек адабиёти” номли доимий экспозицияни ташкил этиш;

ҳар йили шоир туғилган 10 август санасида Тошкент шаҳрида ўрнатил-

ган Абай Қўнонбоев ҳайкали пойига гул қўйиш маросими ва мушоира ўтказиш;

ўқувчи ва талаба-ёшлар ўртасида “Абай асарларининг билимдони” иншолар кўрик-танловини ўтказиш; оммавий ахборот воситаларида Абай Қўнонбоев ҳаёти ва ижоди ҳақида туркум кўрсатув ва эшиттиришлар, мақолалар бериб бориш;

Абай Қўнонбоев ҳаёти ва ижоди ҳақида яратилган бадиий ва ҳужжатли фильмларни Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси телеканаллари орқали намойиш этиш;

мамлакатимиздаги олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар, умумий ўрта таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда таълиқ шоир ва ёзувчилар, олимлар иштирокида учрашувлар, адабий кечалар ташкил этиш тадбирлари кўзда тутилсин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, “Жаҳон” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига қарор ихроси билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тасвия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 13 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И ИЖРО ҲУЖЖАТЛАРИ ЮЗАСИДАН ҚАРЗДОРЛИКЛАРНИ УНДИРИШ МАСАЛАЛАРИ БҲЙИЧА ЯГОНА ИДОРАЛАРАРО ЭЛЕКТРОН ҲАМКОРЛИК ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ ТЎҒРИСИДА

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижросини ташкил этишда самарали ҳамкорлиқни таъминлаш, замонавий ахборот-коммуникация тармоқлари орқали;

ҳамкорлик қилувчи ташкилотларнинг ахборот тизимларига тўғридан-тўғри улашни ёки ҳамкорлик қилувчи ташкилотларнинг маълумотлар базаларини Бюронинг ахборот тизимида тақдорлаш ва мунтазам янгиллаб бориш ёхуд ҳамкорлик қилувчи ташкилотларнинг ахборот тизимларини Бюронинг ахборот тизими билан интеграция қилиш йўли билан;

Бюро ва ҳамкорлик қилувчи ташкилот ўртасида тузиладиган электрон ҳамкорлик тўғрисидаги қелишувлар ва технология йўриқномаларга мувофиқ амалга оширилади.

4. Белгилансинки, ҳамкорлик қилувчи ташкилотларнинг ахборот тизимларидаги ёки маълумотлар базаларидаги тақомиллаштиришлар ёхуд электрон ҳамкорлик тўғрисидаги технология йўриқноманинг ўзгаришига олиб келётган ҳар қандай ўзгаришни Бюро билан келишилган ҳолда амалга оширилади ва Ягона электрон ҳамкорлик тизимига интеграция қилинади.

5. Бюро Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда ҳамкорлик қилувчи ташкилотлар билан биргаликда 2018 йил 1 сентябрга қадар:

ҳамкорлик қилувчи ташкилотлар билан электрон ҳамкорлик тўғрисидаги қелишувлар ва технология йўриқномалар тузилишини;

ҳамкорлик қилувчи ташкилотларнинг ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан интеграция қилишни инобатга олган ҳолда Ягона электрон ҳамкорлик тизими ишга туширилишини таъминласин.

Белгилансинки, ҳамкорлик қилувчи ташкилотларнинг ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини интеграция қилиш бўйича ишлар, шу жумладан, дастурий таъминотни яратиш, ўз ҳодимларини электрон рақамли имзо билан таъминлаш Бюро ва ҳамкорлик қилувчи ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси манфатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиغان ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифларни киритсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратури О. Б. Муродов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 13 март

МУШТАРИЙЛАРИМИЗ УЧУН:



www.xs.uz



/xs.uz.narodnoeslovo.uz



@xs_ns

БИЗ КУНУ ТУН — 24 СОАТ ОНЛАЙНДАМИЗ!

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» — online» сайтининг янги версияси ишга тушди



Газеталаримиз аллақачон интернет орқали ҳам фаолият олиб бораётганидан ўқувчилар яхши хабардор. Лекин бугунги кескин рақобат даври, реал ҳаёт ҳамда воқеаларнинг шиддатли оқими медиасоҳа олдиға ўзини ўзи тақомиллаштириб боришдек долзарб талабни қўймоқда.

Шундан келиб чиқиб, сайтимиз тўлиқ янгиланди. Аввалги ҳолатдан эса фақатгина www.xs.uz ва www.narodnoeslovo.uz дея тақдим этилган бренд ҳамда тармоқдаги манзил қолди холос. Колаверса, аудиторияга энг тезкор ва ишончли ахборотларни етказиб бериш сифатида қабул қилган профессионал шпориимизга содиқлик ўзгармади. Янги веб-платформа биз мавжуд аъналарни энг сўнгги тенденциялар билан уйғунлаштиришга интилдик. Бу ерда

эндиликда юқори сифатли видеоформатдаги янгиликларни ҳам томоша қила туриб, газетамизнинг сўнгги сонини юклаб олиш, ҳатто “варақлаб” кўриш ҳам мумкин.

Биз ўқувчиларга янада яқин бўлишга ҳаракат қилаяпмиз. Зеро, биз учун сизнинг фикрингиз жуда муҳим. Мақолалар остида ўз шарҳларингиз, муносабатларингизни қолдиринг, сайтдаги сўровларда иштирок этинг. Портал орқали бир мартагина тугмани босиб — энг осони ҳам шу, аслида

— тахририятга хат юборишингиз, бизнинг журналистлар билан боғланишингиз мумкин. Энди сайтимиздаги материаллардан имкониятни чекланган шахслар ҳам махсус функциялар орқали бемалол фойдалана олади.

Янги сайт устида анча вақт тинимсиз ишлаган жамоа унга ўз қалб қўрини бахш этди. У сизда илқ таассурот қолдириши, шубҳасиз. Мамлакатимиз ҳамда хорижда рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан вақтида хабардор бўлиш, материалларни мобил қурилмалар орқали ўқиб бориш учун эса тахририятимизнинг машҳур ижтимоий тармоқлардаги аққантларига обуна бўлинг ва “Google Play”дан янги мобил илова-мизини юклаб олинг.

Долзарб қонун лойиҳалари фракциялар муҳокамасида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қонун лойиҳалари юзасидан аниқ тақлифлар илгари сурилди. Тадбир-корлик субъектларига хорижий давлатларда ўтказиладиган кўргазма ва ярмаркаларда намойиш этиш учун мўлжалланган, қўямати беш минг АҚШ долларига бўлган товарлар-ни фақат юк ҳужжатлари асосида олиб чиқиш ҳуқуқини бериш, фермер ҳўжаликларига тадбиркорлик субъекти сифатида қишлоқ ҳўжали-ги махсулотлари етиштириш, шу-нингдек, қонунда тақилланмаган фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш ҳамда шу орқали кўп тармоқ-ли фермер ҳўжалигининг ҳуқуқий мақомини белгилаш шулар жумла-сидандир.

Бундан ташқари, ерга оид қонун-чиликни такомиллаштириш, айниқса, суғориладиган ерлардан самарали ва мақсадли фойдаланишга қаратил-

ган тақлифлар ҳам диққат-эътибор-да бўлди.

Ўзбекистон “Миллий тикла-ниш” демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик пала-тасидаги фракцияси йиғилишида куйи палатанинг бир гуруҳ депутат-лари, шу жумладан, фракция аъзо-лари томонидан киритилган “Авто-мобиль йўллари тўғрисида”ги Ўзе-кистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси кўриб чи-килди.

Қайд этилганидек, ушбу қонун лойиҳасида Автомобиль йўллари давлат қўмитаси мазкур соҳада махсус ваколатли давлат органи сифатида белгиланмоқда. Унинг ваколатига амалдаги Қонунда белги-ланган нафақат умумий фойдаланиш-даги 42 минг километр узунликдаги, балки 180 минг километр узунликда-ги барча автомобиль йўллари ҳамда

сунъий иншоотларни лойиҳалашти-риш, йўл ҳўжалигини бошқаришнинг самарали тизимини шакллантириш, уларни молиялаштириш, йўл-қурилиш ишлари сифатини ошириш имконини берадиган соҳадаги тўлақонли бюорт-мачи хизматини яратиш вазифалари юкланмоқда. Айни чоғда у махсус ва-колатли орган томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан келишилган ҳолда, ҳўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларидан, ша-ҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқ-лар ва овуллар кўчаларидан фойда-ланиш тартибини белгилаш каби масалаларни ҳал этишга қаратилган.

Йиғилишда, шунингдек, “Ўзе-кистон Республикасининг айрим қонун ҳўжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси қизгин мунозаралар-га сабаб бўлди.

Мазкур ҳўжатда энергетик ичим-ликларни ўн саккиз ёшга тўлмаган

шахсларга реализация қилиш ҳамда уларнинг рекламаси ва савдосини давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари бинолари, жамоатчилик жойлари, соғлиқни сақлаш ва таъ-лим муассасалари ҳамда спорт, иж-тимоий ва маданий тадбирларда аудиовизуал ҳамда мультимедиа во-ситалари, матн, кўргазмалли қўллан-малар, баннерлардан фойдаланган ҳолда амалга оширишни чеклаш, белгиланган тартибни бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортиш каби масалалар акс этган. Депутат-ларнинг фикрича, ушбу ҳўжатнинг қабул қилиниши ўсиб келаётган ёш авлоднинг саломатлигига жиддий таъсир кўрсатадиган турли зарарли одатлардан уларни муҳофаза этиш-ни қафолатлайди.

Фракциялар йиғилишларида кун тартибидagi барча масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Зиёда АШУРОВА.

Баркамол авлодни тарбиялаш йўлида

Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуасида “Nurli kelajak Expo — 2018” кўргазмаси иш бошлади.

ЯРМАРКА

Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирли-ги томонидан Савдо-саноат таълим палатаси, “Ўзбекизоқовқат-холдинг” холдинг компанияси, “Ўзбекизоқовқатзахира” уюшмаси ҳамда бошқа тегишли вазирлик ва идора-лар ҳамкорлигида ташиқл этилган кўргазмада Қорақал-поғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида фаолият юритаёт-ган 250 дан ортиқ қорхона ва тадбиркорлик субъектла-ри вакиллари ўз махсулот-лари билан қатнашмоқда.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Рустам Қосимов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири-нинг ўринбосари Қ. Ақмалов, Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазири Агрепина Шин ҳамда бош-қалар давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таълим, айниқса, мактабгача таълим тизимида олиб борилаётган туб ислохотлар ёшлар кела-жагини, эртанги куни ва тақ-диринаи белгилашда муҳим

ўрин тутшини таъкидлашди.

Президентимиз раҳнамо-ги томонидан мактабгача таълим соҳасини ривожлантириш, болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эсте-тик ҳамда жисмоний ривож-ланиши учун илгор хорижий таърибларини инобатга ол-ган ҳолда зарур шарт-шароитлар яратиш, соҳа учун педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, ўқув дастурларини инобатий педагогик технологияларни қўллаш орқали такомиллаш-тиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бунда давлатимиз раҳбари-нинг мактабгача таълим ти-зими ҳамда бошқарувини тубдан такомиллаштиришга қаратилган бир қатор Фармон ва қарорлари муҳим дастуриламал бўлмоқда. Айниқса, Мақтабгача таълим вазирлиги ташиқл қилинган-ни, қолаверса, давлат мак-табгача таълим муассасалари ходимларининг айрим тофа-лари меҳнатига қўшимча ҳақ тўлаш тизимининг йўлга қўйилгани соҳа ривожида қатта роль ўйнапти.

Маълумотларга кўра,



2017 — 2021 йилларда 2200 та мактабгача таълим муассасасининг моддий-тех-ника базасини мустаҳкам-лаш, қишлоқ аҳоли пунктла-рида янги мактабгача таълим муассасаларини қуриш, уларни замонавий талабалар-га жавоб берадиган инвен-тарь, ускуналар, ўқув-мето-дик қўлланмалар, мультимедиа ресурслари билан таъминлаш кўзда тутилган. Ушбу тадбирларни амалга ошириш мақсадида жами 2,2 триллион сўм маблағ аж-ратилиши режалаштирилган. Жорий йилнинг 1 февра-лидан эътиборан пойтахти-миздаги давлат мактабгача таълим муассасаларига тадбиркорлик субъектлари

томонидан тайёр озиқ-овқат-ларни етказиб бериш бўйича туман мактабгача таълим бўлиmlари билан тўғридан-тўғри шартномалар тузишга синов тариқасида рухсат берилди. Айни пайтда Сергели, Олмазор ва Чилон-зор туманларидagi айрим мактабгача таълим муассаса-ларида кетринг усулида ов-қатлантириш йўлга қўйилди.

Ярмарка мактабгача таъ-лим бўлиmlлари билан озиқ-овқат ҳамда қишлоқ ҳўжали-ги махсулотлари, мебель жиҳозлари, дидактик ўйин ва ўйинчоқлар, спорт ҳамда тиббиёт анжомлари ишлаб чиқарувчилар ўртасида икки томонлама шартномалар тузиш, ҳамкорликни йўлга

қўйиш, ўзаро таъриба алма-шиш имкониятини яратди. Қўзланган мақсад ҳам асли-да шундан иборат эди.

Пойтахтимиздаги “Platform Mebel” масъулияти чекланган жамиятининг махсулотлари анча харидорғир. Ярмарка уларга бўлган қизиқшини янада оширмоқда.

— Асосан, ошхона мебел-лари ишлаб чиқарамиз, — дейди мазкур қорхона мене-жери Темир Турсунов. — Улардан нафақат мактабгача таълим муассасаларида, балки уйда ҳам бемалол фойдаланиш мумкин. Муҳи-ми, махсулотларимиз сифат-ли ва арзон. Ўйлайманки, форум доирасида қўллаб шартномалар имзолаймиз.

Сурхондарё вилоятида фаолият юритаётган “Дипрабо Жабборова” қорхонаси раҳбари Акбар Ҳазратовнинг айтишича, улар тайёрлаётган чойшаб, ёстиқ ҳамда кўрпа махсулотлари Шахрисабз, Яккабоғ каби туманлардаги 90 дан ортиқ мактабгача таълим муассасаларига ҳам етказиб берилаётир. Тад-бирда иштирок этишдан қўзланган мақсад эса улар сонини янада оширишдан иборат.

Қўргазма давом этмоқда.
Раҳим ШЕРҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Динара ЧИРКОВА олган сурат.

СЕНАТОР МУШОҲАДАСИ

Кейинги бир йил мобайнида мамлакатимиз ташқи сиёсатида мисли кўрилмаган жараёнлар, тарихий учрашувлар ва самарали мулоқотлар кузатилди. Бундай сайё-ҳаракатлар, албатта, яқин кўшничилик алоқаларининг пойдеворини янада мустаҳкамламоқда.

Дўстлик ришталари мустаҳкамланмоқда

Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассам-блеясининг 72-сессиясида сўзлаган тарихий нутқида Ўзбекистон бугунги кунда ўзининг ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақаси-га устувор аҳамият қара-таётганини, Марказий Осиё давлатлари билан ҳеч истис-носиз барча масала бўйича оқилона мурооса асосида ҳамкорлик қилишга тайёрли-гини таъкидлаб ўтган эди.

Ана шундай ташаббуслар-ни рўёбга чиқариш мақсади-да Ўртабшимоимизнинг Ку-кистонга амалга оширган давлат таширфи икки қар-дош ҳамда биродар халқлар муносабатларидаги узок йиллик “музлик”ни эритиб юборди, десак, ҳеч муболага бўлмайди. Чунки Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида-ги муносабатлар кўп асрлик тарихга эга. Халқларимиз эт билан тирноқдек яқин. Бунинг тасдиғини нафақат тарихий-илмий тадқиқотлар-дан, балки урф-одатлари-мизнинг ўхшашлиғи ҳам тасдиқлайди. Ўз даврида атоқли тожик олими Зариф Ражабов “Марказий Осиёда энг яқин алоқалар ўзбек ва тожиклар ўртасида ўрнатил-ган”, дея таъкидлаган эди.

Шу ўринда айтиш жоиз-ки, ўзбек тожик бир хил кийим кийишган, бир хил таомлар тайёрлашган, қиз олиб, қиз берган, қариндош бўлган. Урф-одатлари ҳам икки томи сув каби бир-бири-га ўхшашир. Халқлари-мизнинг яқинлиғига буюк сўз даҳолари — Абдурахмон Жомий ҳамда Алишер Навоий ўртасидаги дўстлик ва ҳам-корлик замин яратган, десак, асло янглишмаймиз.

Икки қўшни давлат ўрта-сидаги муносабатларнинг яқинлашиши, биринчи навбатда, оддий одамлар ҳаётига ижобий таъсир кўрсатади. 10 дан ортиқ на-зорат пунктларининг очили-ши, давлатларимиз ўртаси-даги темир йўл ҳамда авиа-қатновнинг тикланиши халқ-

ларимиз томонидан қувонч билан қутиб олингани ҳам бежиз эмас.

Бундай ижобий янгилик-лар фуқароларимиз томони-дан мамнуният билан қабул қилинапти. Чунки поездлар қатнови, чегара постлари-нинг очилиши, борди-келди-нинг эркинлашиши билан боғлиқ бу кўнларни халқла-римиз жуда узок вақт кутди. Айни жиҳатдан бу улар учун мисли кўрилмаган воқеа бўлди. Мазкур ҳолатда нафақат икки давлатнинг барқарор ривожланиши ва бутун минтақа хавфсизлиги, айни чоғда қардош халқлар-нинг ҳиссиётлари ҳақида ҳам гап кетмоқда. Мамлакатла-римиз раҳбарларининг оқилона сиёсати ўзаро ман-фаатли ҳамкорликни кенгай-тиришга, мавжуд муаммо-ларни биргаликда ҳал қилиш йўллари топишга, яхши қўшничилик муносабатлари-ни ўрнатиш ҳамда янада мус-таҳкамлашга имкон беради.

Бу нафақат Ўзбекистон ва Тожикистон, балки бутун минтақа учун тарихий воқеа-дир. Шу ўринда, сўзсиз, икки давлат раҳбарларининг улкан хизматларини алоҳи-да таъкидлаш керак. Тажри-бадан маълумки, Президент-лар ўртасидаги дўстона муносабат мамлакатлар ўртасидаги дўстлик, яқинлик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик-нинг асосий омиллидир.

Давлатларимиз раҳбарла-ри ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳурмат ҳамда ишонч, конструктив мулоқот, мавжуд муаммоларни ҳал қилишда ҳамфироликка асосланган бўлиб, бу кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкор-ликни янада ривожланти-ришга янги туртки бериши, шубҳасиз.

Президентимизнинг Тожикистонга амалга ошир-ган давлат таширфидан сўнг ўзбек-тожик муносабатлари-да янги давр бошланди. Гўёки, икки мамлакат ўрта-сидаги алоқаларда рўй бе-раётган бу воқеалар оппоқ

қозога ёзилётгандек. Маз-кур таширф Ўзбекистон ҳамда Тожикистон ўртасида-ги кенг қамровли муносабат-ларда туб бурилиш ясади, деб бемалол айта оламиз.

Ташрифта тайёргарлик ва у билан боғлиқ барча тад-бир шахсан Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон томонидан назорат-га олингани ушбу таширф-нинг нечоғли аҳамиятга эга эканлигини аққол кўрсатди.

Ташриф давомида барча соҳада яқин ҳамкорликни тартибга соладиган бир қатор муҳим шартномалар тузилди. Жумладан, савдо, иқтисодий, инвестиция, молия, транспорт ҳамда транзит, қишлоқ ҳўжалиги, сув-энергетика, солиқ, бож-хона, туризм, фан-таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, хавфсизлик ва жинойтчилик-ка қарши курашиш соҳала-ридаги ҳамкорлик ҳамда худудлараро алоқаларни ри-вожлантиришга оид 27 ҳуж-жат имзоланди. Бу ана шун-ча соҳада ҳамкорлигимиз янги-ча мазмун-моҳият билан бойиди, дегандир.

Юртбошимиз қўшни давлатлар билан самарали ҳамда самимий дўстона му-носабатларни ўрнатмоқда. Назаримизда, мазкур ташаб-бус минтақадаги барча давлат раҳбарларини бир-лаштиришга, интеграция жа-раёни учун янги имконият-лар эшигини очишга хизмат қилади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, “Агар биз қўшнилариимиз билан яқин муносабатларни йўлга қўймасак, бошқа минтақада-ги давлатлар билан қандай ҳамкорлик қиламиз, қандай қилиб бошқа давлатлардан инвестиция жалб этамиз?”

Ишончимиз қомилки, Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги дўстона алоқа-лар бундан буюн ҳам жадал ривожланиб бораверади.

Тоҳир БАҲРОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати
аъзоси.

Эзгу амаллар кенг қулоч ёзади

Жорий йил 18-19 март кунлари мамлакатимизда умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилади.

Хар йили Наврўз байра-ми арафасида айёми-муносиб кутиб олиш ва нишонлаш мақсадида ҳашар ўтказиш яхши анъанага айланган.

Президентимизнинг “2018 йилги Наврўз умум-халқ байрамига тайёргар-лик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қароридан ке-

“Маҳалла” хайрия жамоат фондида ишчи гуруҳи тузи-либ, режа асосида иш олиб борилаётир. Унинг маълу-мотига кўра, ҳашар кунла-ри ободонлаштириш ва саховат тадбирлари янада кучаяди. Хусусан, маҳалла, қорхона ҳамда ташкилот-лар худудларини тозалаш, гузар, зиёратгоҳ ва қабрис-

тонларни тар-тибга келти-риш, жойларда турфа хил да-ободонлаштириш ва кўка-ламзорлаштириш ойлги ҳамда 18-19 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашари сифатида белгилангани бунга яққол мисолдир.

Зеро, ҳашар кунларида одамлар орасида ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжихат-ликни янада кучайтириш, бегараз ёрдам, меҳр-му-руват каби эзгу фазилат-ларни юксалтириш, маҳал-ларлар ҳамда аҳоли турар-жойларини обод қилиш ва кўкаламзорлаштириш, худудлар санитария ҳола-тини яхшилаш ишлари умумхалқ ҳаракати даража-сига кўтарилди. Шунинг-дек, Ҳаракатлар стратегия-сини Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва тех-нологияларни қўллаб-қув-ватлаш йилида амалга оширишга оид Давлат дас-турида белгиланган муҳим вазифалар ижросига ало-ҳида эътибор қаратилади.

Ҳашардан тушган хайрия маблағлари эҳтиёжманд оилалар, ёлғиз қариялар ва ногиронлиги бўлган шахс-ларга моддий ҳамда маъ-навий ёрдам кўрсатиш, уларнинг уй-жойларини таъмирлаш, ёш оилаларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, кам таъ-минланган оилалар фарзандларининг тўйлари-ни ўтказишга қўмаклашиш, болалар майдончаларини тартибга келтириш ва бошқа кўплаб хайрли тад-бирларга йўналтирилади.

Умуман, ҳашар кунлари-да ён-атрофимиз янада чи-роқ очади, эзгу амаллар кенг қулоч ёзади. Пирова-дида Наврўзи оламини обод манзилларда, хушқайфият билан қутиб оламиз.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЭЪЛОН

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

2017/2018 ўқув йилида битирувчи бакалавр ва магистрларни йўлланмалар асосида ишга тақсимлашга киришилганлигини маълум қилади.

Жорий йилда университетни тамомлаётган битирувчиларга турли қорхона ҳамда ташкилотлардан 2500 дан ортиқ буюртмалар келиб тушган. Битирувчиларни ишга тақсимлашда республикаимизнинг барча худудини қамраб олиш, юқори малакали мутахассисларга эҳтиёжи бўлган қорхоналарнинг талабларини қондириш ва бити-рувчиларга тақсимот жараёнида танлаш имкониятини бериш мақсадида университет томонидан қўшимча буюртмалар қабул қилиш давом этмоқда.

Бугунги кунда университетимизни битираётган кадрларга эҳтиёжи мавжуд қорхона раҳбарлари талабнома ва сўров хати билан 2018 йил 30 апрелгача университет ректоратига мурожаат қилишлари мумкин. Талабномада буюртмачининг реквизитлари (почта манзили, телефони) ҳамда тақлиф этилаётган лавозим тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ кўрсатилиши лозим. Талабнома билан мурожаат қилган қорхона ва ташкилотлар танлов асосида яқуний тақсимот тадбирларига тақлиф этилади. Битирувчилар тўғрисидаги батафсил маълумот билан университет веб-сайти (<http://www.tdiiu.uz>)нинг битирувчилар бўлимида танишиш мумкин. Эътиборингизга таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича қуйидаги маълумотлар илова қилинади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИНИ 2017/2018 ЎҚУВ ЙИЛИДА БИТИРАЁТГАН ЁШ МУТАХАССИСЛАР Тўғрисида МАЪЛУМОТ

БАКАЛАВРИАТ																				
Т/р	Таълим йўналишлари		Битирувчи-ларнинг умумий сони	шу жумладан		Худудлар бўйича битирувчилар сони														
	Коди	Номи		грант	шартнома	Қорақалпо-ғистон Республикаси	Андижон вилояти	Бухоро вилояти	Жиззах вилояти	Навоий вилояти	Наманган вилояти	Самарқанд вилояти	Сурхондарё вилояти	Сирдарё вилояти	Тошкент вилояти	Фарғона вилояти	Хоразм вилояти	Қашқадарё вилояти	Тошкент шаҳри	
1.	5230100	Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	229	11	218	3	7	12	4	18	3	20	8	3	12	25	4	15	95	
2.	5231600	Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси	28	6	22		1		2			4	3	2	1	2		2	9	
3.	5111000	Касб таълими (информатика ва ахборот технологиялари)	17	5	12			1							1				15	
4.	5111000	Касб таълими (иқтисодиёт)	33	8	25		1					1	1		3			1	26	
5.	5231400	Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	68	9	59	2	1	1	3	2		5	2	2	5	10		3	32	
6.	5330200	Информатика ва ахборот технологиялари	64	15	49	3	1	2		2	1	3	2	2		7	3	8	32	
7.	5230700	Банк иши	91	10	81	2	2	2	1	3	1	3	2	2	8	5	1	4	55	
8.	5230400	Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	123	14	109	4	4	2	4	4	2	2	4		12	7	2	8	68	
9.	5230200	Менеджмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	27	7	20					2	1	1	1	2	3				17	
10.	5230900	Бухгалтерия хисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)	126	10	116	4	3	2	5	5		15	2	3	9	8	5	7	58	
11.	5230800	Солиқлар ва солиққа тортиш	42	5	37	2	1	3	1	3		3	5		1	1	4	5	13	
12.	5610200	Мехмонхона ҳўжалигини ташкил этиш ва бошқариш	43	4	39		1					3		1	2	2			30	
13.	5610100	Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлар бўйича)	51	9	42	1	1	1		3		2		1	5	5		4	28	
14.	5231700	Кадрлар менежменти	30	5	25	1				1	1	2		2	6	1		2	14	
		Жами	972	118	854	22	23	26	20	45	9	64	28	20	68	73	22	60	492	

МАГИСТРАТУРА

Мутахассисликлар	
------------------	--

Атлас кийиб товланар баҳор

Бугун юртимизнинг барча гўшасида бўлгани каби Деҳқонobodда ҳам Наврўз шукуҳи кезиб юрибди. Туман аҳли эрта баҳорданоқ кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларини бошлаб юборган. Худудда давлатимиз раҳбарининг “2018 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори асосида саранжом-саришталик, ёрдамга муҳтож оилалар, кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳолидан хабар олиш, уларга бегараз ёрдам бериш сингари савобли ишлар янада кенг кўлам касб этмоқда.

Хорвиллар, кўчаю хийбонларга мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, анвойи гуллар экилаётганини кўриб, беихтиёр “Азиз ватандошлар, ҳар кунингиз Наврўз бўлсин!” деб юборасиз.

Деҳқонobodда Наврўз байрамига тайёргарлик халқчилуви паллага кирди. Маҳаллий ҳокимлик ҳам бу борада режаларини аниқ белгилан олган.

— Туман раҳбарлари билан хонадонма-хонадон кириб юрибмиз, — дейди “Нуроний” жамғармаси туман бўлини раиси, “Шуҳрат” медали соҳиби Кенжа Эшбоев. — Кексаю ёшнинг ҳолидан хабар олаётганимиз, уларнинг муаммоларини уйда ва ўз вақтида халқ этиш чораларини кўрмоқда-



миз. Бир нарсаси бизни қувонтиради: у ҳам бўлса, одамларимиз юзидаги шуҳроналик. Улар Ватанимиз тақдирига бефарқ эмас. Қарияларимизнинг дилларини бугунги тинч ва осуда ҳаёт, фаровон турмуш учун чексиз миннатдорлик ҳисси чулғаган.

Шарқона янги йил муносабати билан 106 та қишлоқда сумалак сайли, миллий таомлар, амалий санъат кўргазмалари, халқ миллий ўйинлари ва айтишувлари ҳамда фольклор-этнографик

дасталарининг концертлари намойиш этилади.

— Туманимизда 37 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи фаолият юритади, — дейди меҳнат фахрийси Мамарасул Усмонов. — Барчамиз узоқ тарихий илдизга эга бўлган Наврўзни ўзгача интиқлик билан кутиб оламиз. Беғуборлик, покизалик, яшариш ва янгиланиш, яратувчанлик ҳамда хурсандчилик тимсоли сифатида бу байрам халқимизнинг миллий урф-

одатлари, анъаналари ва қадриятларини ўзида мужассам этган.

...Кўёш тиккага келган. Ям-яшил ялангликдаги бир тўп одамлар даврасида бахши-шоирлар мушоираси бошланди. Қўрнинг тўрида Ўзбекистон халқ бахшиси Қаҳҳор Раҳимов, унинг ёнида Абдимурод бахши, Баҳром бахши, Шокул бахши, Бойкул бахши, Мухаммади бахши, Маҳмаражаб бахшилар тинчлик-тотувлик, кут-барака, бағрикенглик, меҳр-оқибат, саховат, мурувват сингари халқимизга хос фазилатларни қўшиқ қилиб қўйлашади. Уларнинг дўмбирасидан таралган халқона куйлар узоқ-узоқларга таралади:

Тоғ бағридан эриб кетди қор,
Ўт-ўланлар куйлади алёр,
Атлас кийиб товланар баҳор,
Юртимизга Наврўз келганда.
Абдуқаном БЕККАМОВ.

Математика, физика ҳамда информатика фанлари бўйича янги кўрик-танлов таъсис этилди

Улуғ аждодимиз, қомусий олим Муҳаммад Ал-Хоразмий шарафига ташкил этилган ушбу танловда мамлакатимиздаги таълим муассасаларининг 10, 11-синф ўқувчилари қатнашади.

ТАЪЛИМ

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ахборот хизматининг хабар беришича, мазкур кўрик-танлов Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилади.

“Муҳаммад Ал-Хоразмий издошлари” кўрик-танлови апрель ойида шарт олади ҳамда уч босқичда бўлиб ўтади. Биринчи босқичда иштирокчилар ўз мактабларида математика, физика ва информатика фанларидан онлайн

усулда имтиҳон топширади. 100 балл тизимда 80 баллдан юқори балл тўплаган ёшлар танловнинг кейинги босқичига йўл олади. Иккинчи босқич минтақавий бўлиб, бунда қатнашчилар учала фанга доир жами 9 та топширикни ечиши лозим. 75 балл тўплаганлар сўнгги босқичда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Тошкент шаҳридаги Инха университетида ўтказиладиган сўнгги босқичда математика, физика ва информатика фанларига доир 15 та вазифа танлов

қатнашчилари эътиборига ҳавола қилинади.

Унда энг юқори балл тўплаган олти нафар голибга “Муҳаммад Ал-Хоразмий издошлари” танлови дипломи ҳамда энг кам ойлик иш ҳақининг 65 баробаридан 100 баробаригача миқдордаги пул мукофотлари топширилади.

Энг муҳими, ушбу танлов орқали ёшларнинг илм-фанга қизиқиши ортади, улар буюқ олим ва математик Муҳаммад Ал-Хоразмийга муносиб издош бўлишга интилади. Шу билан бирга, у ахборот технологиялари соҳасида иқтидорли ёшларни юзага чиқариш имконини беради.

Дилшод КАРИМОВ тайёрлади.

«UzMiningExpo»
Тоғ-кон саноати учун технология ва ускуналар.

«UzMetalMashExpo»
Металлургия. Металлга ишлов бериш. Дастгоҳсозлик. Пайвандлаш.

«UzTechTransExpo»
Махсус техника. Автоиндустрия. Транспорт. Логистика.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlastExpo»
Кимё саноати, пластмасса ва резина ишлаб чиқариш.

«UzSecureExpo»
Хавфсизлик тизимлари. Енгинга қарши химия. Меҳнат муҳофазаси. IT хавфсизлиги.

«InterPackExpo»
Қадоқлаш саноати ва полиграфия маҳсулотлари учун технология ва ускуналар.

«UzChemPlast